

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ МО-3-73  
2017 йил



**“Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлантирувчи кенгашининг  
2017 йил 18 ағуст даги 4-сонли баённомаси билан  
маъқулланган*

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг исарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия мисливалири” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қоҳхирова.

“Таълим-тарбия жараёнларни ташкил этишининг конунчиллик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик комиентентлик” модули: и.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, и.ф.н. М.Т.Мирсолисев, ўқитувчилар И.А.Эшмиматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахений, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули: ф.-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзисева, ўқитувчилар Т.Шаймарданов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, ис.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов

**Махсус фанлар бўйича:**

Хорижий эксперт Пол Виллер (Mr Paul Wheeler) (Англия)

Ишли гурӯҳ: г.-м.ф.н., доцентлар О. Розиков, Б.Мирходжасев, т.ф.н. доц. О.Турсункулов, катта ўқитувчилар И.Эшмилиев, Г.А.Джаналисева, М.Кадиров

Тақризчилар:

Хорижий эксперт: Пол Виллер (Англия)

ТДГУ “Геология-минерология ва петрография” кафедраси доценти Т.З.Шермуҳаммедов

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг карори билан тасдиқка тавсия қилинган (2017 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиккан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор кабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараккиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу оркали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар кабул килиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиккан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик хужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Соҳа фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.
- 3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Конларни башпоратлаш ва кидиришнинг дистанцион усуллари.
- 6.2. Конларнинг ноанланавий турлари.
- 6.3. Геологик мъалумотларни таҳлил килишда ГИС технологиялари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курснинг мақсади педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнкима ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидириув ва разведкаси” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўнкима, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидиув ва разведкаси” йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якуннда тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор қабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- магматик жинслар ҳосил қиласидиган структураларни;
- эффузив жинслар ҳосил қиласидиган структураларни;
- космотасвириларнинг хоссаларини;
- дескретлилар ва ўзгарувчанликни;
- рақамили маълумотларни компьютер дастурларида қайта ишлашни;
- тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитларини;
- узилмалар ва бурмалангандарнинг структураларнинг пайдо бўлишини;
- метоморфизм жараёнларини;
- интрузив магматизм ва вулканизмни;
- чўқинди катламларининг ётиш элементларини;
- геологик кесимлар ва стратиграфик шкалаларни;
- геологик ҳариталарни тузиш усусларини;
- геологик кирким тузиш усулини;
- геологик блок-диаграммаларини;
- конларни қидиришининг стратиграфик, литологик, магматик, структуравий, минералогик, геокимёвий ва бошқа мезонларини;
- қидириш усусларини ва уларни кўллаш шароитларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- фойдали қазилмалар генезисини аниклаш;
- фойдали қазилма конларининг генетик ва саноат турларини таснифлаш;
- фойдали қазилма конларини кидириш ва разведка килиш;
- энг мухим минераллар ва тог жинсининг асосий турларини аниклаш;
- маъданлардан олинган намуналаш натижаларини таҳлил қилиш;
- минералларнинг кимёвий бирикма турлари бўйича таснифлаш;
- асосий маъдан ҳосил қилувчи ва жинс ҳосил қилувчи минералларни фарқлаш;
- метаморфизмнинг турларидан фойдаланиш;
- магматик конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- пегматик конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- скарн конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- гидротермал конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- карбонатит конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- пневматолит конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- метаморфоген конларнинг турлари ва ҳосил бўлиш шароитларини таҳлил қилиш;
- маъданлар таркибидаги минераллар оркали фойдали қазилма конининг генетик турларини аниклаш бўйича **кўниkmaga** эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- изланишлар натижаларини таҳлил қилишга замонавий ёндашиш;
- конларнинг генетик турларини аниклаш;
- геология кидирув ишлари боскичларида изланишларни лойихалаш;
- геологик изланишлар натижаларининг таҳлил қилиш;
- геологик-структуравий хариталаш;
- минералогик ва геокимёвий изланишлардаги услубларни аниклаш;
- маъданли майдонларни металлогеник таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиш;
- минераллашув жадаллигини баҳолашни илмий асослаш;
- намуналаш услубларини ва ҳажмларини танлаш;
- магматик жараёнлар ва уларнинг маъданлашувини назарий асосларини ишлаб чикиш;
- дала ишларининг турлари бўйича натижаларни тизимлаштириш бўйича **малакага** эга бўлиши керак.

### **Тингловчи:**

- майданли майдонларни металлогеник тахлил килиш усулларидан фойдаланиш;
- намуналаш услубларини ва ҳажмларини танлаш;
- минералогик ва геокимёвий изланишлардаги услубларни аниклаш;
- дала ишларининг турлари бўйича натижаларни тизимлаштириш;
- илмий тадқиқотлар натижаларини компьютернинг маҳсус дастурларида умумлаштириш бўйича *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Фойдали қазилма конлари геологияси, кидирув ва разведкаси”  
йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув  
модуллари ва уларнинг мазмуни**

### **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустакил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом этириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя килиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ кабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танкидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги

ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифокининг ташкил этилиши ва унинг ахамияти.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонуичилик нормалари.**

Норматив-хукукий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг боскичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўкув юритидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул килиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори,

2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида” ги 3-сонли Карори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартағи “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга кўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг яқуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳакида”ги 136-сонли бўйруғи, 2017 йил 1 мартағи «Янги ўкув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли бўйруғи, 2017 йил 13 мартағи «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли бўйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талabalari республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123 -сонли бўйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли бўйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли бўйруғи.

## **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиши боқичвлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмuni, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўкув лойихаларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмuni. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнида мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши. Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурӣ шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## **2.2. Соҳа фанларини ўқитишида илгор хорижий тажрибалар.**

Соҳа фанларини ўқитишида илгор хорижий тажрибалар. Илгор хорижий давлатларда қабул қилинган таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари. Мазкур таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан киёсий тахлили.

Соҳа фанларини ўқитишида талабаларни назарий билимларини тузулмасини ва базасини шакллантириш. Назарий билимларини таркиби ва мазмунини амалиётга мос келтириш.

Мехнат бозорида юқори даражада ракобатбордош бўлиш учун психологик кўнкималар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув-методик материалларини яратиш усувлари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурый воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулокот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълими бошқариш тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.**

Соҳада кўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. 3D технологиялар ва уларнинг хусусиятлари. Соҳа бўйича масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамоилилари. Соҳада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Соҳада масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил килиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Соҳада эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили.

Соҳа бўйича курс лойиха ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС), Pro/ENGINEER, CATIA, SolidWorks дастурлар.

Соҳада MathCAD, Matlab/Simulink, SCADA, GAUSS, SimPowerSystem дастурлардан фойдаланиш.

Соҳада Moodle тизимида ўкув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўкув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Соҳадаги оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, Udemy, UDACITY).

### **IV. Амалий хорижий тил**

#### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандартти ва унинг талқини. Тил алока (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнікмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот муҳити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнікмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда

грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишининг аҳамияти. Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳакида маълумот, бўш вактни ўtkазиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўкиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар класификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуслари. Қарорларга кўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёнини бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самараదорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

### **5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари**

Техникада тизимли таҳлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбик этишда тизимли ёндашув. Билиш жараёнларнинг ички тизимлилиги. Техникада тизимли таҳлилнинг усул ва моделлари. Моделдаги элементларни нисбий ҳакиқий билиш даражаси. Техникада тизимларни моделластириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуслари. Техникада чизиқли дастурлаш масалалари ва уларни ечиш ўйллари. Техникада статистик ноаниклиқдаги танлов қонуниятларини таҳлил

килиш. Техникада ёчимлар қабул қилишда эксперт усуллари ва прогноз элементлари. Табиий ва сунъий тизимлар, уларни умумлаштириш асослари.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Конларни башоратлаш ва кидиришнинг дистанцион усуллари.

Конларини башоратлаш ва кидиришнинг дистанцион усуллари. Масофавий зондлашнинг асосий воситалари. Сунъий йўлдошлар. Суратга оловучи ва картография килувчи сунъий йулдошлар. Космотасвиirlарнинг хоссаларини ҳамда улардаги дескретлилк ва ўзгарувчанликнинг назарий асослари.

Схема ва макетларда янги услубиёт асосида босқичларни бири-бири билан боғликлиги ва уларнинг кетма-кетлигини кўрсатиб бериш. Табиий офтаглар натижасида қишлоқ хўжалиги худудларига етказилган зарарни баҳолаш. Ер майдонларидан фойдаланувчиларнинг маълумотлар базаларини олиб бориши учун зарур ҳариталарни тузиш ва янгилаш. Ер майдонларини баҳолаш. Ерни масофавий зондлаш маълумотларини бирламчи қайта ишлишнинг босқичлари.

Сунъий йўлдошидан олинган маълумотларини бирламчи қайта ишлиш босқичлари. Сурат материалларини қўллаш соҳалари. Фойдали казилмаларни кидиришда геологияда тог жинсларининг турларини аниқлаш. Ҳозирги замон, талабига асосан космогеология услугиятидан фойдаланган ҳолда башорат этилган истиқболли маъданли майдонларни ўрганиш. Геологик ҳариталар, киркимлар ва блок-диаграммаларда ишлиш ва уларни қўллаш.

### 6.2. Конларнинг ноанъанавий турлари.

Магматик конларни ўрганиш. Эрта магматик конларнинг хосил бўлиши. Кеч магматик конларнинг хосил бўлиши. Ликвацион конлар хосил бўлиши ҳакида тушунча. Гидротермал конлар. Вулканоген гидротермал конларнинг хосил бўлиши. Плутоноген гидротермал конларининг хосил бўлиши. Экзоген конлар. Нураш жараёнларининг хосил бўлиши. Экзоген конларидағи фойдали казилмалар хосил бўлиши.

Фойдали казилма конларининг генетик таснифлари. Конларни генетик хосил бўлиш макетларини 3Д кўринишда ўзлаштириш улубиятларини қўллаш.

Номонинералогия ҳакида тушунча ва улар натижаларини кон қазиб олиш технологиядаги асосий роли.

### **6.3. Геологик маълумотларни таҳлил қилишда ГИС технологиялари.**

ГИС технологияларининг умумий тавсифи. Геология соҳасида ГИС технологияларининг роли. География ахборот тизимларининг асосий хусусиятлари.

Маълумотлар ва инфомациялар ҳакида умумий тушунчалар. Кузатиш усуслари. Дистанцион кузатиш усуслари.

MICROMINE, GEOSOFT, SURPAC дастурларида геологик моделларни яратишнинг асосий турлари. Геологияда моделлаштиришнинг турлари. Геология соҳасида моделлашнинг афзаликлари. Математик моделларнинг турлари.

MICROMINE, GEOSOFT, SURPAC ДАСТУРЛАРИДА ГЕОЛОГИК УЧ ЎЛЧОВЛИ (3D) моделлар яратиш. Уч ўлчовли моделлар ҳакида умумий маълумотлар. Геологияда уч ўлчовли моделлар имкониятлари. Геологияда уч ўлчовли моделларнинг турлари. Фазовий объексларнинг моделлари.

Фойдали қозилмаларни захира ҳисоблашда блок диограммаларни ҳар бир параметрларини ўрганиш ва уларнинг аниқлик сифатини ошириш. Ҳар бир фойдали қазилма маъдан таналарини ГИС технология асосида унумли қисмини чегаралаш. Маъданлар ва фойдали қазилма захирасини ҳисоблаш усуслари.

Илмий тадқиқот натижаларини компьютер махсус дастурлари тизимларида умумлаштириш.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташкири, мустакил

холда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустакил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидағи инновациялардан хамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қозоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

#### **Адабиётлар**

##### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Тақидий таххил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундаклиқ коидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

## **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшлирга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг коидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Карори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини

кайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли карори.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 103-сонли карори.

### Ш. Махсус адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.–Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.: Fan, 2010.–686с.
12. Materials Science and Engineering. An Introduction, William D. Callister Jr., “John Wiley & Sons Inc.” 9<sup>th</sup> Edition 2014.
- 13.ИНСТРУКЦИЯ По проведению геологического доизучения ранее заснятых площадей масштаба 1:200 000 (1:100 000), составлению и подготовке к изданию листов государственной геологической карты Республики Узбекистана масштаба 1:200 000 (1:100 000) Ташкент, 2002
14. Журн. Геол. и минерал. Ресурсы № 1, Ташкент, 2002.

15.Ахмедов Н.А. Рудные месторождения Узбекистана. Ташкент. ИМР. 2001-  
611 с.

#### IV.Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. ЎзРес.ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
6. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)
7. [www.acs.org](http://www.acs.org)
8. [www.nature.com](http://www.nature.com)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тақиқил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов  
“ ” 2017 й.

М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг жорий килинишини назорат қилиш бошкармаси  
Бошкарма бошлиғи \_\_\_\_\_ О.И.Исмоилов

“ ” 2017 й.

М.Ў.

Тошкент давлат техникауниверситети

Ректор \_\_\_\_\_ С.М. Турабджанов  
“ ” 2017 й.

М.Ў.

Тошкент давлат техникауниверситети  
хуазурнаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Н.А.Абдужабаров  
“ ” 2017 й.

М.Ў.